

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 135 (11.446)

Баҳоси эркин нарҳда



**МУСТАҚИЛЛИК
18**

Фестиваллар

ГУЛЛА, ЯШНА, ГЎЗАЛ ТОШКЕНТИМ!

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Халқ таълими бош бошқармаси ва шаҳар ўқувчилар ижодиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Маълумки, юртимизда ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларни ҳар томонлама етуқ, соғлом фикрли, комил инсон қилиб тарбиялаш, онгу шуурида она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида камолга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Гулла, яшна, гўзал Тошкентим!» болалар бадиий ижодиёт фестивалида шаҳримиздаги мактаблар қошида фаолият кўрсатган қирққа яқин болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олаётган ўғил-қизлар иштирок этишди. Болалар боғдаги 6 та майдончада «Тошкент – кеча, бугун, эртага», «Соғлом бўлай десанг, спорт билан шуғуллан», «Кувноқ стартаплар», «Техника мўжизаси» каби бир қатор мавзуларда асфальтга расм чизиш, мука ва рақс санъати, спорт, авиамоделсозлик ва бошланғич техник моделлаштириш йўналишларида ўзаро беллашиб, билим ва маҳоратларини намоён этишди.

(Давоми 2-бетда).

Япония пойтахтида Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти ҳамда Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди.

ТОКИОДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИСТИК САЛОҲИЯТИ ВА ТОШКЕНТИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ ТАҚДИМОТИ

Тадбир Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси ҳамда «Эй-Жи-Ти» сайёҳлик компанияси томонидан мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди. Урашувда Кунчиқар мамлакатнинг 45 дан зиёд сайёҳлик компанияси, ишбилармон доиралар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тақдиротда Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий мероси икки мамлакатнинг сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлигини жадаллаштириш учун қулай шарт шартларни яратишга эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, Ўзбекистонга келётган япониялик сайёҳлар сони охириги йиллар давомида бирмунча кўпайган. Жумладан айни пайтда кунчиқар мамлакатдан Ўзбекистонга йилга ўртача 7 минг нафар япониялик турист ташриф буюрмоқда. Японияликларни Ўзбекистонга юртимизнинг бой тарихи, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби қадимий ва бутун дунёга машҳур бўлган шаҳарларимиздаги бекиёс мейморчилик обидалари жалб қилади.

Тадбирда айтиб ўтилганидек, «Ўзбекистон хаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан амалга оширилаётган Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги мунтазам тўғридан-тўғри авиарейслар япониялик туристларнинг Ўзбекистонга келиши учун янада кўпроқ қулайликлар яратди.

Тақдиротда сўзга чиққанлар 2009 йилда ЮНЕСКО қарори билан Ўзбекистон пойтахти – Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи нишонланишига алоҳида эътибор қаратдилар. Маърузаларда таъкидланганидек, инсоният цивилизациясининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган Тошкент бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар кўлами тўлалигича акс этувчи йirik мегаполисдир.

Тадбир доирасида иштирокчилар эътиборига Тошкентнинг тарихи ва ҳозирги кунига бағишланган видеофильм ҳавола этилди.

«Жаҳон» АА.
Токио.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Бектемир туманидаги «Ас-тробод» маҳалла гузаридида туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамағатлари, «Камолот» ЕИХ туман бўлими ҳамда туман Бандалик кўмаклашувчи маркази ҳамкорликларида олий ўқув юртлири, ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув масканларини битирувчи ёшлари иштирокида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** Болалар спортини ривожлантириш жамағатларининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан ўтказилган тадбирда жорий йил якунигача шаҳримизнинг бир неча туманларида болалар сузиш ҳавзалари қурилиб фойдаланишига топширилиши таъкидлаб ўтилди.

✓ **ЭРТАГА** Миробод туманидаги Фафур Гулом номли маданият уйида бадиий ҳаваскорлик жамоалари қатнашчилари, Қўйлиқ ота, Баротхўжа номли маҳаллалар ёшлари иштирокида «Хунарли хор бўлмас» мавзусида тадбир ва маданият уйи соврини учун стол тенниси бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Дўстлик» маҳалласида «Ёшлар ва ҳаёт» мавзусида маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200
ЙИЛ



Таълим дастури — амалда

ЕТУҚ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Бу албўтта Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси йўлида амалга оширилаётган сайёҳаракатлар натижасидир.

Миллий дастур ижроси йўлида шунингдек, яқинда Сергели тиббиёт коллежи ҳам капитал таъмирдан чиқарилди. Замонавий кўринишга эга бўлган янги коллеж биносининг очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Сергели туман ҳокимлиги вакиллари, коллежнинг ўқитувчи ва ўқувчилари ва ота-оналар иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама билимли, хунарли, она-Ватанга садоқатли комил инсонлар бўлиб вояга етишлари йўлида яратилаётган барча шарт-шароитлар, жумладан, мана шундай замонавий таълим масканларининг бунёд этилаётганлигини фахрланиб қайд этдилар. Шунингдек, мазкур коллеж биноси Энг азиз байрамимиз — Мустақилликимизнинг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйи олдида коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари учун муносиб тўхта бўлганлигини таъкидладилар.

— Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли бўлган Сергели тиббиёт коллежи 2002 йилдан бошлаб фаолият кўрсатиб келмоқда, — дейди коллежнинг касбий таълим бўйича директор ўринбосари Лутфия Ярашова. — Маълумки, бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурига мувофиқ самарали ишлар амалга оширилмоқда. Коллежimiz 40 дан ортиқ даволаш профилактика муассасалари билан бўш иш ўринларини мутахассислар билан таъминлаш масаласида шартнома имзолаган. 2008-2009 ўқув йилида коллежни жами 880 та ўқувчи битирган бўлса, шулардан 87 фоизи шартнома-



лар бўйича ишга жойлаштирилди. 13 фоизи олий ўқув юртига ўқишга кириш ниятидалар. Капитал таъмирдан сўнг коллежimiz ўзгача қиёфага эга бўлди. Ўқувчиларнинг ҳар томонлама чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Кимё, биология, физика хоналарининг лабораториялари керакли жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Шунинг ҳам таъкидлаш керак, Япониянинг «Jaika» лойиҳаси асосида 5 та хона, катталар, оналар, болаларга ҳамширалик парвариси хонаси, ҳамширалик иши хонаси, фельдшер хоналари замонавий анжумлар билан жиҳозланди. Бун-

дай шарт-шароитдан ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам бениҳоя хурсанд.

Коллежда бугунги кунда малякали ўқитувчилар ҳамширалик иши, даволаш, тиббиёт профилактикаси йўналишлари бўйича ўқувчиларга билим бериб келишмоқда. Кўркам ва замонавий коллеж биноси янги ўқув йилига ўқувчиларга муносиб совға бўлади, албатта.

Дилором ИКРОМОВА,
Эътиқод ОТАҚУЛОВА
СУРАТЛАРДА: Сергели тиббиёт коллежининг очилиш маросимидан лавҳалар.
Владимир Гранкин олган суратлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижон вилоятининг Шахрихон туманидаги Найнаво қишлоғида маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи биноси фойдаланишга топширилди. 435 ўринга мўлжалланган, ўқувчиларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган мазкур иншоотни «Анд Кубо» қурилиш фирмаси бунёдкорлари қисқа муддатларда қуриб битказишди. Улар томонидан 1 миллиард 837 миллион сўмлик қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди.

• Термиз шаҳри ва Ангор, Термиз туманларидаги касб-хунар коллежларининг битирувчилари учун наубатдаги меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Мазкур тадбирда мустақил ҳаётга йўлланма олган йигит-қизлар 120 ташкилот, муассаса ва корхона таклиф этган 700га яқин бўш иш ўрни билан танишишди. Тадбир давомида 450 дан ортиқ ёшлар ўзлари хоҳлаган ишларга жойлашишди.

• «ЭКОСАН» халқаро фондининг «Саҳроланиш ва қургоччиликка қарши курашишда энг яхши тажрибалар» лойиҳаси доирасида Нукус-Қозоқдарё-Орол денгизининг қуриган туби — Чимбой-Нукус йўналиши бўйича медиатор ташкил этилди. Иштирокчилар «Қорақалпоғистон ва Қизилқум чўлларидаги деградацияга учраган ерларида экотизим барқарорлигига эришиш» лойиҳаси бўйича Қозоқдарё қишлоқ фуқаролар йиғини худудида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

• Тошкентда техник ҳамкорлик бўйича Германия жамиятининг «Ўзбекистоннинг алоҳида ҳудудларида иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш» лойиҳаси муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

• Кўргонтепа туманидаги Чимён қишлоғида уч ака-ука тадбиркор Нўъмонжон, Незъматжон ва Қўчқорбой Боймуродовлар томонидан ташкил этилган пайпоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги саноат корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Корхонага 64 та дастгоҳ ўрнатилган бўлиб, тармоқ корхоналарида малакасини оширган 15 киши ишга жойлаштирилди.

• Жалолқудук туманидаги «Безак» фирмаси бунёдкорлари 120 ўринга мўлжалланган мактаб биносини фойдаланишга топширдилар. Эндиликда Туяласи қишлоғи ёшлари янги ўқув йилини мухташам, барча қулайликларга эга замонавий бинода бошлайдилар. Янги таълим муассасаси биносини бунёд этиш учун жами 160 миллион 950 минг сўм миқдоридида маблағ сарфланди.

ЖАҲОНДА

• Италиянинг Аквила шаҳрида бўлиб ўтаётган «Катта саккизлик»ка аъзо давлатлар раҳбарлари навбатдаги саммитининг иккинчи кунига иштирокчилар камбағал давлатлар учун «Озиқ-овқат хавфсизлиги» дастурини амалга ошириш мақсадида 15 миллиард долларлик маблағ ажратишга қарор қилдилар.

• Сан-Хоседа Коста Рика Президенти О.Алиаснинг вазирлигида Гондураснинг ағдарилган президенти М.Селайя ҳамда ҳозирги вақтда ушбу давлатни бошқараётган П.Мичилеттилар ўртасида музокаралар ўтказилди. Бироқ музокаралар давомида бирор бир келишувга эришилгани йўқ.

• Хитой ҳукумати Урумчи шаҳрида бўлиб ўтган оммавий тартибсизликлардан азият чеккан фуқароларга моддий ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Маълумотларга кўра, мазкур тадбир учун 14,6 миллион АҚШ доллари миқдоридида маблағ ажратилган.

• Миср Ички ишлар вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, Сувайш каналидаги газ ўтказгичларга нисбатан террорчилик ҳаракатини амалга оширишни кўзда тутган 25 киши қамоққа олинди.

• Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра қурраи заминда грипнинг янги А/Н1Н1 турига чалинган кишилар сони 80 мингтадан ошди. Бунда 300 дан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмди. Ушбу касаллик қайд этилган мамлакатлар сони кундан кунга кўпаймоқда. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари лабораторияларида ҳозирда хавфли грипга қарши янги вакцина яратиш юзасидан сайёҳаракатлар амалга оширилмоқда.

• Россиянинг Самара областида кучли жазирама ва сувсизлик натижасида барча дон маҳсулотларининг қуриб кетганлиги муносабати билан фавқулодда вазият эълон қилинди. Ундан қўрилган зарар 10 миллиард рублга яқин суммани ташкил этмоқда.

• Испания ва Италия қурилиш компаниялари консорциуми Панама каналини реконструкция қилиш юзасидан 3 миллиард долларлик тендер танловида голиб чиқди.

• Ингушетия ва Чеченистон ўртасидаги чегара атрофида ўтказилган махсус операция чоғида ноқонуний қуролли гуруҳлар таркибида бўлган тўртта жангари йўқ қилинди, икки нафари эса қўлга олинган.

Пойтахтимизнинг 2200 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш тараддуди қизгин паллага кирган бугунги кунда Миробод туманида ҳам бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари режа асосида олиб борилмоқда.

ТИНЧЛИК ВА ДУСТЛИК РАМЗИ
2200
2009
ТОШКЕНТ

БИРИ-БИРИДАН СЕРМАЗМУН ҚЎШИҚЛАР

Шахрим, осмонингда доим порласин қуёш,
Тегрангда янграсин энг гўзал ялла.
Халқинг кўзидан ҳеч тўқилмасин ёш
Оналар тилидан эса, тушмасин алла.

Ҳа, пойтахтимиз мадҳига ҳар қанча шеър, кўшиқ ва куй басталаса арзийди. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида бўлиб ўтган «Тошкентим мадҳи» мавзуда ўтказилган давра суҳбати ҳам айнан Тошкент шахрига бағишланган куй-қўшиқлар хусусида бўлди.

— Айни кунда шахримизда мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги ва пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланган турли маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирлар, танловлар ва учрашувлар ўтказилмоқдаки, уларнинг барчасида ушбу кутлуғ ва муқаддас саналарни ўзига хос, тақдорланмас равишда байрамона тарзда нишонлаш мақсади илгари сурилган, — дейди Ўзбекистон Бастакор уюшмаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ҳабибулла Раҳимов. — Бизнинг уюшмамиз ҳам байрамга алоҳида тайёргарлик кўрмоқда. Иқтидорли шоирларимиз ва изланувчан бастакорларимиз ҳамкорлигида кўплаб янги куй ва кўшиқлар яратилмоқдаки, уларнинг барчасида шахримизнинг гўзаллиги, кўрки-таровати, мунаввар ва муаззам осмони, саҳий қалб, меҳмондўст аҳли тараннум этилмоқда. Ҳа, шахримизнинг қиёси йўқ. Истиклол шарофати билан қад ростлаётган кўркам кошоналар, бунёд этилаётган кўзни қамаштирувчи жилвакор фавворалар, улкан кўприклар, чаманга айланаётган гулзор кўчалар, кўм-кўк чимларга бурканган боғлар, ёшлар саломадлиги йўлида бунёд этилаётган спорт саройлари, ёшлар ижодиёт марказларини ҳар қанча таърифласак арзийди. Бундай хайрли ишлар замирида эса халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, фарзандларимиз камолоти, озода ва обод мамлакатимизнинг тараққиёти ва раванқи муҳассамдир. Бастакорларимиз ва шоирларимиз ҳамкорлигида яратилаётган кўшиқларда ана шу эзуликлар, яхшиликка йўрилган мақсадлар наво бўлиб таралиб, шахримиз тўйига ўзига хос тўёна бўлиши кўзда тутилган.

Давра суҳбатида бастакорлар Рустам Абдуллаев, Дони Илёсов, Алишер Икромов, Фарход Алимов, Дилором Омонуллоева, Ойдин Абдуллаевалар яратилаётган янги кўшиқлар ҳақида ўзларининг фикрларини билдирдилар.

Шунингдек, тадбир давомида куй ва кўшиқлар сараланиб, давра суҳбати иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди.

Дарҳақиқат, бастакорларимиз, шоирларимиз ҳамкорлигида шахримизнинг 2200 йиллигига бағишлаб яратилаётган кўшиқлар сермазмунлиги, ҳузурбахшлиги, мусиқанин раван ва оҳангга бойлиги билан ажралиб турмоқда.

Улар сирасига Дилором Омонуллоеванин «Тошкентим мадҳи», Фарход Алимовнинг «Тошкент оқшомлари», Дони Илёсовнинг «Уш келибсиз Тошкентимизга», Ҳабибулла Раҳимовнинг «Тошкент — Париж», Алишер Расулонинг «Тошкент фавворалари», «Ун икки дарвоза» каби кўшиқларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Шунингдек, болалар гуруҳлари учун Анвар Обиджон қаламига мансуб бўлган «Оқ кўйлакли лайлақлар», «Маҳалла болалари» ва «Гўзал пойтахтим» шеърларига бастакорлар Хуршида Назарова, Аваз Мансуров ва Шермат Ерматовлар аjoyиб шўх кўшиқлар яратдиларки, бу тингловчилар ва болажонларга ҳақиқий байрам сарғаси бўлиши қувончлидир.


Давра суҳбати якунида бастакорларимиз гуруҳларга бўлинган ҳолда вилоятларга сафарга отланишларини маълум қилдилар. Улар шу ойнанинг 20 июлигача вилоятларда бўлиб, иқтидорли овоз соҳибларини танлаб олишга ўз ҳиссаларини қўшадилар ва янги-янги юлдузларни кашф этадилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ТУРАР ЖОЙЛАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Мавзе ва маҳаллаларни ободонлаштириш, яқка тартибдаги ҳамда кўп қаватли уйлар фасадларини таъмирлаш, ён-атрофларини тартибга келтириш, болалар майдончалари бунёд этиш борасида ибратли ишлар амалга ошириляптики, бу туман кўркини очиб, ободлигини таъминламоқда. Режага кўра туманда 93 та янги объект бунёд этилиши ва 357 та объект таъмирланиши кўзда тутилган бўлиб, қурилиш ва таъмирлаш юмшлари қизгин олиб борилмоқда. Жуда кўплаб объектлар фойдаланишга топширилди, қайта чиroy очди.

Шунингдек, туманда 1949 та яқка тартибдаги уй-жойларни таъмирлаш режаси муваффақиятли бажарилмоқда. Айниқ-



са, кўп қаватли уйларнинг фасад қисмини таъмирлашга катта эътибор қаратилган бўлиб, ҳозирги кунда режадаги 60 та кўп қаватли уйлар ўзгача кўрк очди. Кўп қаватли уй-жойларни обод этиш, яшовчиларга қулайликлар яратиш, ноқонуний қурилмаларни йўқотиш, гаражларни тартибга келтириш ва бўяш, кириш йўлакларига темир эшиклар ўрнатиш, янги болалар майдончалари қуриш ва эскиларини таъмир-

лаш ишлари ҳам низоҳасига етмоқда. Экилган дарахт ниҳоллари ва ранг-баранг гуллар парваришига қаратилган эътибор боис туман кўчалари ўзгача фойз касб этмоқда, янги гулзорлар яратилмоқда. Пиёдалар йўлакларини, йўллар, автобус бекатларини ҳам таъмирланяпти.

Бажарилаётган ишларнинг барчаси туман аҳолисининг турмуш даражасини ошириш, фаровонлигини таъминлаш

йўлида бўлиб, яратилаётган қулайлик ва кўркамликдан баҳра олаётган ёшу қари пойтахтимиз тўйини муносиб кутиб олишга, эзгу ишларда фаол бўлишга интилишмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: тумандаги кўп қаватли уйларнинг фасадлари замонавий таъмирланиб, ўзгача қиёфа касб этмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

ГУЛЛА, ЯШНА, ГЎЗАЛ ТОШКЕНТИМ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ўқувчиларнинг 2009 йил ёзги дам олишини юқори савияда ташкил этиш ва уни самарали ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси тизимидаги умумтаълим мактаблари қошида ёз мавсумида 36 та оромгоҳлар ва 215 та соғломлаштириш майдончалари ташкил этилган бўлиб, мактаблар қошидаги оромгоҳларга 15400 нафар ўқувчилар қамраб олинган, — дейди шаҳар Ўқувчилар ижодиёти маркази услубий марказ раҳбари Гулчехра Набиева. — Бугунги фестивал доирасидаги мусобақаларда ҳар бир тумандан биттадан гуруҳ иштирок этяпти. Мақсадимиз, оромгоҳларда дам олаётган болаларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш, уларни ватанпарварлик, байналмилаллик, миллий қадриятларга садоқат руҳида, меҳнатсевар, маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялаш, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ҳамда қизиқарли ташкил этишдан иборат.

Фестивал якунига кўра умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга шахримизнинг Учтепа туманидаги 116-мактаб қошидаги «Бўстон» оромгоҳи жамоаси муносиб топилди. Иккинчи ўрин Сергели туманидаги 284- мактаб қошидаги «Гулзор» оромгоҳи, учинчи ўрин Собир Раҳимов туманидаги 243-мактаб қошидаги «Бойчечак» болалар оромгоҳи жамоасига насиб этди. Голиб жамоалар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Тадбир сўнггида пойтахтимиздаги Ўқувчилар ижодиёт марказларининг бадиий жамоалари ижросида уюштирилган концерт дастури барчага ҳуш кайфият улашди.

Гулором ХАМИДОВА

СУРАТЛАРДА: фестивалдан лавҳалар

Владимир Гранкин олган суратлар



ҚУЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асосиз аралашиларга йўл қўймаслик, текширишлар сонини кескин қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароит яратиш, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш давр талаби.

технология талабларига риоя этилиши, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари», «Энергиядан оқилона фойдаланиш» тўғрисида ва бошқа Ўзбекистон Республикаси қонунлари, «Хўжалик юритувчи субъектларини текширишни ташкил қилишни тартибга солиш», «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, қўриб чиқилган меъёрий ҳужжатлар рўйхати, идоравий меъёрий ҳужжатлар, газ тармоқларига ноқонуний уланишнинг оқибатлари тўғрисида маълумот олишлари ва виртуал қабулхонага

кириб ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

Президентимизнинг 2009 йил 13 февралдаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгилаб берган 2009 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ назорат қилувчи ва бошқа давлат бошқаруви органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асосиз аралашиларига йўл қўймаслик, текширишлар сонини кескин қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш устувор вазифа этиб белги-ланган.

Тошкент транспорт прокуратураси

ва «Ўздавнефнгазинспекция» Тошкент шаҳар бўлими ўз навбатида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган темир йўл тизимидаги хўжалик юритувчи субъектларни ёниги энергетика ресурсларидан фойдаланишда исрофгарчиликларга йўл қўймасликка, беҳуда йўқотишларнинг олдини олишга ҳамда шундай ҳолатлар аниқланганда, тегишли мутасадди идораларга зудлик билан мурожаат қилишликка қарайди.

Шерзод МАМАДЖАНОВ
Тошкент транспорт прокурори ёрдамчиси,
Бахрилло САИТАЗИЗОВ,
«Ўздавнефнгазинспекция»
Тошкент шаҳар бўлимининг бош технологи

Иқтисодиёт

ХОНАДОНИНГИЗГА ФАЙЗ БАҒИШЛАЙДИ

Миллий қадриятларимизни эъзозлаган ҳолда замонавий технологиялардан унумли фойдаланиб тайёрланаётган кўплаб рақобатбардош товарлар ўз харидорини топмоқда.

Ана шундай маҳсулотлардан ҳисобланган, хонадонларга аjoyиб фойз бағишловчи гиламларга ички бозорда талаб катта. Шуни назарда тутган тадбиркор Абдукаюм Исроилов эзгу ишга бел боғлади. У юртимизда тадбиркорлар учун яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, Собир Раҳимов туманидаги «Янги Себзор» маҳалла кўмитаси ёрдамида «Қайс гилам тўқиш» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Натижада уйда ўтирган кўплаб хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Ташкил этилган цех керакли жиҳозлар билан таъминланди, зарур хом ашёни ҳам ўзларида тайёрлашни йўлга қўйишди. Бугунги кунда эса мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган ранг-баранг гилам маҳсулотлари нафақат кўриниши, балки сифати билан ҳам харидорларни жалб этмоқда.

— Буюртмаларимиз кўпайиб бормоқда, — дейди корхона бош ҳисобчиси Мунира Обидова. — Шу боис ҳам имкониятларимиздан келиб чиқиб корхонамизни кенгайтиришни режалаб турибмиз. Бунинг учун ўқув маркази ташкил этиб, маҳоратли хунарманд гиламдўзаларимиз яна 100 нафар шогирдлар тайёрлашди ва қўшимча иш ўринлари яратишни кўзда тутаяпмиз. Энг муҳими, маҳсулотларимиз дизайни ва сифатига эътиборни кучайтираемиз. Яна шуни айтиб ўтишим зарурки, корхонада 60 нафар касаначи меҳнат қилмоқда. Келгусида эса касаначи иш ўринларини янада кўпайтириб, аёлларга қулайликлар яратамиз.

Нафақат ички бозорни, балки ташқи бозорни ҳам тинмай ўрганаётган тадбиркорлар маҳсулотларини чет эллик харидорларга ҳам сотиб, мамлакатимиз экспорт салоҳияти ортишига муҳим ҳисса қўшишни мақсад қилишган.

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

Юқори унумли замонавий дастгоҳ ва ускуналар қувватидан самарали фойдаланиб, илғор технологиялар асосида тайёрланаётган маҳсулотлар бозор талаблари, харидор дид ва эҳтиёжига жавоб бераётганлиги билан эътиборлидир.

Миробод туманида фаолият кўрсатаётган «STEMP TPUST» масъулияти чекланган жамиятида Австрия технологик линияларидан муваффақиятли фойдаланган ҳолда муҳр ва штамплар тайёрлаш йўлга қўйилган. Корхонада мамлакатимизда биринчилардан бўлиб полимер-флеш технологияси асосида маҳсулотлар тайёрланмоқда.

— Корхонамизда малакали мутахассислар жамланган бўлиб, — дейди корхона менежери Мария Безрукова, — 2002 йилда фаолият бошлаган бўлсак, бугунги кунга келиб буюртмаларимиз сафи ортди, маҳсулот турлари ҳам кўпайди. Ҳозирда 25 хил кўринишдаги маҳсулотларимиз бор. Жуда кўплаб корхона ва ташкилотларга буюртма асосида муҳр ва штамплар тайёрлаб бераёпмиз.

Жорий йилда тадбиркорлар маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни кўзда тутишган. Йил охиригача улар 100 хилдан ортиб кетади.

ЯНГИ ЦЕХ ОЧИЛАДИ

Тайёрланаётган маҳсулот сифатини ошириб, рақобатбардошлигини таъминлашда замонавий технологик линияларнинг аҳамияти беқиёс.

Шу боис ҳам тадбиркорларимиз цехларни янги дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозлашга, уларнинг қувватидан оқилона фойдаланиб, бозор талабларига мос маҳсулотлар тайёрлашга эътибор қаратишмоқда. «Кланд Кон Шарк» хусусий корхонасида ҳам бир неча йилдирки, маҳаллий хом ашёдан чарм маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилган. Корхонада терини ошлашдан тортиб ундан тайёр маҳсулот тайёрлашга бўлган жараёнлар мукамал бажарилади. Дизайнер-модельерларнинг изланишлари эса янги турдаги либосларда аксини топади.

Тадбиркорлар аёллар, эркаклар ва болалар учун турли хил устки кийимлар тайёрлашмоқда. Корхонанин «Чилонзор» ва «Чорсу» буюм бозорларидаги фирма дўконлари ҳамisha харидорлар билан гавжум бўлади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари эса бугунги кунга келиб 50 хилдан ортинки ташкил этмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жорий йилдан бошлаб, корхонанинги тикув ҳеҳида трикотаж матолардан фойдаланган ҳолда кийим-кечаклар ҳам тайёрланмоқда. Шунингдек, хориждан замонавий дастгоҳлар келтирилиб, янги терига ишлов бериш цехини очиб, маҳсулот сифати ва турларини оширишга саъй-ҳаракат қилинмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА



Мақтабгача тарбия

ИЛК УСТОЗ — ЭЛЕКТРОН МОСЛАМА

“Чехарда” — митти гўдакларни ўқишга ўргатувчи оригинал ўйинчоқлар ишлаб чиқарувчи Калифорния компанияси ўзига шундай номни ўйлаб топди. Бу ўйинчоқлар ўз зиммасига мураккаб вазишни олади — яъни улар икки ёшли гўдакларни ўқишга ўргатишади, яна ўқишни ҳам болакайларнинг ўзларига юкляшади. Гўдаклар китоб саҳифалари бўйлаб “қурбақа” ёки рўқани юргизиши баробарида магнит плёнкасидаги ёзув (MP3)ни диққат билан тинглаб, кўнук сабоқларни эслаб қолишса бўлгани.

LeapFrog Tag Junior қурилмаси 2 дан 4 ёшгача бўлган болалар “аудиоторияси”га мўлжаллангани (Junior дейилишининг сабаби шунда) билан ҳам диққатга сазовор. Мазкур қурилма мактабга чиқишга ҳозирлик кўраётган (4 – 8 ёшли) болаларни ўқитишга мўлжаллаб америкаликлар яратган LeapFrog Tag рўқасидан янги роқ ва ундан анча соддароқ ҳамдир.

Кичкинтойлар катталарга тақлид қилишни ёқтиришади, аммо анча йўғон рўқани ушлашга қийналишади. Янги ўйинчоқ уларга жуда мос қилиб ишланган. Улар шундай тайёрланганки, гўдакнинг қафтига шундоққина “ёпишиб” қолади.

Ўқишга ўргатувчи ўйинчоқ сирдан унча фарқланмайдиган махсус китоблар билан комплекта етказиб берилади. Гўдак Tag ёки Junior Tag ни қўлига олиб, уни саҳифаларга теккизиши билан унинг остига ёзилган сўзлар баланд овозда эшитила бошлайди.

Мослама китоб саҳифаларига теккизилганда ҳеч қандай сеҳрли ҳаракат содир этилмайди: мослама пас-

тида жойлаштирилган инфрақизил камера ҳарфлар, сўзлар ва суратларни “ўқийди”, “қурбақа” ёки рўқани жойлаштирилган митти динамиклар орқали MP3 га ёзилган файллар овоз чиқаради.

У қандай ишлайди, дейсизми? “Tag” инглизчада “белги” ёки “ёрлик” маъносини англатади. Мосламага бундай ном тасодифан берилмаган. Ҳар бир саҳифа юқорисига нуқталар жойлаштирилган бўлиб, улар шу қадар кичкинаки, уларни оддий кўзлар билан амалда қарийб кўриб бўлмайди. Мазкур технология аслида ҳар қандай тасвирда ахборотни яшириб қўйиш имконини берадиган кодлаштириш тизимини эслатади.

Tag ичидаги камера нуқталар бўйича мўлжал олади (айнан қайси овоз фрагментини чиқариб беришни аниқлайди) ва қоғоз юзасига бо-силганда ишга тушиб, ҳар сонияда 50 кадрни суратга олади. Бундай ёндошув саҳифадан саҳифагагина эмас, ҳатто бир китобдан иккинчисига тўхтамай “сақраш” имконини беради.

Агар ўйинчоқлар ижодкорлари ўқиш машқларига бир қанча интерактив ўйинларни ҳам жойлаштиришмаганда, у зерикарли бўлиб қолиши мумкин эди. Персонажлар ёзилган шеърларни такрорлашда ёки алоҳида жумлаларни қайтаришда (бунинг устига уларнинг ҳар бири ўз овозига эга). Улар болакайлардан мураккаб бўлмаган топшириқларни бажаришни илтимос қилишади — масалан, ҳозиргина айтилган сўзни босишни ва ҳоказоларни сўрашади.

Tag Junior савдода 2009 йилнинг май ойидан пайдо бўлди.

Калифорния технологик университети профессори доктор Антонио Ранжел ўқазган сўнги тадқиқотлар кўрсатишича, бизнинг миямизда инсон хатти-ҳаракатларини назорат қилиш ҳуқуқи учун ўзаро доимий курашда бўлган махсус жойлар бор экан. «Дейли телеграф» шу ҳақда ёзган.

Олимнинг таклифига кўра, ўша жойлар “фаришта” ва “иблис” деб аталган. “Фаришта” яхшиликларни назорат қилишга ва айни пайтда ирода заифлигига масъул. Айрим одамларнинг фаст-фудга ўхшаш сифатсиз овқатларга мойиллиги сабабларини аниқлаш бўйича ўтказган тажрибаларидан кейин олимлар шундай хулосага келишган.

Маълум бўлишича, “фаришта” гамбургерни ейиш ёки емасликни ҳал қилаётган кишини “санитария” ёки “фойда” каби маъхум тушунчаларни ўйлашга мажбур этаркан. “Иблис” эса, аксинча, организм учун зарарли бўлган ёғлиқ егуликни истемол қилиш бўйича енгиб бўлмас хоҳиш-ис-

Дам олиш соатларида

такни тугдираркан. — Миянинг ўша жойлари овқатларга иштиёқдан кўра жиддийроқ масалаларда ҳам доимий ўзаро кураш олиб боради, — дея

радиган одамлар бу масалаларни муваффақиятли ҳал этишади. Мазкур тадқиқотлар натижалари келажакда ҳозирги замон неврология фани нуқтаи назаридан

таклиф этилди. Шу жараён давомида улар мияси томограф ёрдамида сканер қилинди. Ўз-ўзини қучил назорат этувчи иштирокчилар сифатли овқатларга устуворлик беришганида, томограф миянинг “фаришта” қисмида сигналларни қайд этгани маълум бўлди. “Фаришта”лари ўз эгаларини парҳез таомни танлашга кўндирмишга жуда заиф “уринган” кишилар мияларининг шу қисмидаги сигналлар жуда заиф эди. Ширинликсўр иштирокчилар ҳеч иккиланмай, улар тўйимлилик даражасини ўйлаб-не-тиб ўтирмай ҳам десертларга ўзларини уришди.

— Юз йиллар давомида олимлар алдовларга қарши кураш йўлида тўғрисида мунозара қилиб келишган, — дейди кашфиёт ҳаммуаллифи профессор Колер Самерер. — Эндиликда биз ушбу муаммони ҳал этиш сари муҳим қадам қўйишга эришдик. Энди биз турли нафс васвасалари учун маъсул бўлган миядаги ўз-ўзини назорат қилиш “туғмачаси” қаерда жойлашганини биламиз.

МУАММО ЕЧИМИ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

изоҳлайди ўз фикрини доктор Ранжел. — Сиз молиявий муаммоларни, оилавий можораларни, диний ва эътиқод масалаларини ҳал этаётганингизда ҳам “фаришта” ва “иблис”лар ўзаро “жанг”га киришади. Умуман, ўз-ўзини назорат этишни талаб қиладиган ҳамма масалаларда улар ўзаро курашишаверади.

Ножоиз хатти-ҳаракатларга йўлловчи салбий ҳис-туйғуларни жилволлашга “фаришта” ёрдам бе-

одамни фақат эзгу ҳаракатлар қилишга мажбур эта оладиган тарзда мияни “қайта конструкция-лаш” имкониятларини излашда ёрдам беради.

Доктор Ранжел ва унинг жамоаси бошқа бир тажрибада кўнгил-лилардан бир гуруҳига шоколадли пирожноедан тортиб гулқарамли салатгача эллик хил егуликларни фотосуратларини намойиш этишди. Иштирокчиларга ўз дидлари асосида ҳар бир таомга баҳо бериш

Аҳоли турмуш даражаси бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган шаҳарлар хит-парадида Вена Цюрихдан ўзиб кетди. Шу кўрсаткичга кўра энг яхши шаҳарлар ўнлигида эса, Европа шаҳарларига тенг келаётгани топилмади. Мерсег компаниясининг ҳар йили ўтказиб келаётган аниқлаш тадқиқотлар натижаси шундан далolat беради. Кўп жихатдан Австриядаги сийсий ва иқтисодий вазиятнинг ўзгариши шарофати билан Вена якуний рўйхатга кирган 215 шаҳар ичида биринчи ўринда бўлиб қолди. Цюрих эса, иккинчи ўрин билан кифояланмишга мажбур бўлди.


Рўйхатнинг учинчи қаторидан Женева жой олган бўлса, унинг кетида тўртинчи ўринни ўзаро бўлишиб олган Ванкувер (Канада) ҳамда Окленд (Янги Зеландия) шаҳарлари турибди. Энг яхши ўнликка, шунингдек, Германиянинг

НАТИЖАЛАР НИМАНИ КЎРСАТАДИ?

Дюссельдорф, Мюнхен, Майндаги Франкфурт шаҳарлари ҳам киришди. Ўнлик рўйхатининг сўнгидан Швейцариянинг Берн ва Австралиянинг Сидней шаҳри жой олишган.

АҚШ шаҳарлари орасида етакчилик ўрини Гавайя штати пойтахти Гонолулу эгаллади. Умумий рўйхатда у 29-ўринга сазовор бўлди. Вашингтон шаҳри 44- ва Нью-Йорк 49-ўринни банд қилишди. Reutersнинг маълум қилишича, Лондон мазкур рўйхатда атиги 38-пиллояни эгаллай олган.

Энг яхши шаҳарлар рўйхатининг 26-погонасида турган Сингапур Осиё шаҳарлари ўртасида етакчи бўлди. Бу шаҳарнинг молиявий марказ сифатидаги роли ошганлиги, шунингдек қўлбал халқро ва ҳусусий мактаблари тўғрисида бу йил 6 поғонага кўтарилишига муваффақ бўлган. Рейтинг ўз ичига сийсий барқарорлик, мактаб таълими, дам олиш, турар-жойларнинг барчага бараварлиги ва атроф-муҳитнинг аҳоли каби 39 кўрсаткични ўз ичига олган.



Кино оламида

ФИЛЬМНИНГ КУТИЛМАГАН МУВАФФАҚИЯТИ

Американинг “Moviefone” компанияси 334 минг кино шинавандалари ўртасида сўровлар ўтказиб, илмий фантастика соҳасида барча даврларнинг энг яхши фильмини аниқлади.

Режиссёр Жорж Лукаснинг 1977 йилги “Юлдузлар уруши” киноэпопеяси шу номга сазовор бўлди, деб ёзади The Telegraph. Сўров иштирокчилари кўпчилигининг фикрига кўра, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги абадий кураш тўғрисидаги айнан шу фильмда “Энг яхши робот”, “Фазодан келган энг яхши мавжудот” (жедайлар устаси Йода), “Энг буюк қаҳрамон” (Харрисон Форд ижросидаги Хан Соло) ва “Энг яхши ялмоғиз” иштирок этади.

Бундан ташқари, фильмда янграган “Сен билан куч-қудрат келсин!” деган шўх ибора катта шўҳрат топди. Ушбу ибора Жеймс Кэмерон “Терминатор”идаги “Мен яна қайтаман” ҳамда Стивен Стилбергнинг “Ўзга сайёралик” картинасидаги “Ўзга сайёралик уйга кўнғироқ қилипти” ибораларидан ўтиб кетди.

Кино ишқибозлари Жон Траволта бош ролни ижро этган “Жанг майдоғи – Ер” фильмининг энг ёмон фантастик фильм деб аташди. Мазкур картина бир гуруҳ ерликларнинг инсон иркини сақлаб қолиш учун ўзга сайёраликларга қарши уруши ҳақида ҳикоя қилганди, дея ёзади “Новости” ахборот агентлиги.

“Юлдузлар урушлари” турли хил кинореитинг-фильмнинг доимий қатнашчиси бўлиб келмоқда. Фильм госяе режиссёр Жорж Лукас коллежда ўқиб юрганидаёқ пайдо бўлганди. Акира Курошава ижоди, жумладан, Тосиро Мифунэ қатнашган “Яширин қалъадаги уч ялмоғиз” фильми Лукасга “Юлдузлар урушлари” образлари устида ишлашида ёрдам берди. Фильмнинг энг яхши қаҳрамони жедай Йода қиёфасини яратишга эса ўз мушуги уни илхомлантирганди.

Дастлаб “Юлдузлар урушлари” тайёр сценарий-си Голливуднинг етакчи студияларига ёқмаганди. Продюсерлар қудратга сиғиниб, “зулмат томони”га ўтган ситхлар билан уруш олиб борадиган жедайлар киссалари томошабинларни жалб этишига ишониша олмади. Лекин 20 th Century Fox студиясида Лукаснинг қалтис лойиҳасини амалга оширишга киришишди, кастингга энг арзон актёрлар, шу жумладан, ўша вақтда ҳеч ким танимайдиган Харрисон Форд таклиф қилинганди.

“Юлдузлар уруши. Янги умид” деб аталган илк фильм 1977 йили экранларга чиқди. Унинг пайдо бўлиши жуда катта шов-шувлар билан қутиб олинди: 11 миллион долларлик чиким билан яратилган фильм 513 миллион доллар маблағ тўплашга муваффақ бўлди. Бунинг устига, фильм бир йўла олти “Оскар”га сазовор бўлганди.

Кейинги 30 йил мобайнида яна киноэпопеянинг 6 эпизоди экранларга чиқарилди. “Юлдузлар урушлари” бутун сайёрамиздаги миллионлаб кишилар ақлини ром этганди. Кўпгина муҳлислар ҳатто жедайларнинг “кинотаблицоти”ни жиддий қабул қилишганди. Чунинчи, 2001 йилги аҳоли рўйхати натижаларига кўра, Англия ва Уэльснинг 390 мингдан ортиқ аҳолиси жедаизмни ўз дини деб эълон қилган. Шотландияликлардан 14 минг киши жедаизмга эътиқод қила бошлаганди. Ўтган йили эса, ака-ука Барни ва Дэниел Бирлашган қироллик жедайлари ибодатхонасига асос солишди. Унинг издошлари “Юлдузлар урушлари” сценарийси бўйича жедайларнинг турли удумларига амал қилишади.

Саҳифа материаллари турли манбалар асосида тайёрланди.

Бу сирли олам

ГАЛАКТИКАНИНГ ЎЗГА САЙЁРАЛИК ТАМАДДУНЛАРИ

Бирок, уларнинг барча маълумотлари тусмол-тахминларга асосланган. Сўнги баҳоларга кўра, Ердан ташқаридаги цивилизациялар миқдори миллионгача етиб бориши мумкин экан.

Мазкур жараён бизнинг билимсизлигимиз кўламидан миқдорий ўлчовидир, деб ҳисоблайди Дункан Форган. Олим бизникига ўхшаш галактика моделини яратди ҳамда экзосайёралар деб аталадиган ва бизнинг Кўёш тизимимиздан ташқарида жойлашган сай-

ёралар тўғрисидаги билимларимизга асосланган кўёш тизимларини ишлаб чиқди. Кейин у ўзга дунёларнинг мазкур моделларига нисбатан эҳтимол тутилган уч сценарийни қўллади. Биринчи ҳолатда у тирик организмларнинг пайдо бўлиши қийин, аммо улар пайдо бўлган тақдирда яхши ривожланади. Бу сценарийга кўра, унинг баҳо беришича, галактикада 361та онгли цивилизация мавжуд бўлиши керак.

Иккинчи сценарий бўйича

тирик организмлар пайдо бўлиши мумкин, лекин онгли мавжудотлар даражасига етиб бориш улар учун жуда мураккаб, деб тахмин қилади олим. Якуний, учинчи сценарий тирик организмлар, масалан, астероидлар тўқнашуви вақтидагидай бир сайёрадан бошқасига кўчиб ўтиши мумкин, деган тахминга асосланади. Бу ерда ҳаётнинг пайдо бўлишига оид энг кенг тарқалган назариялардан биридир. Бундай ҳолатда 37964 та онгли цивилизациялар мавжуд бўлиши керак.

лизиациялар мавжуд бўлиши керак.

“Шун ҳам эътиборга олиш кераки, биз тахмин қилаётган ҳолат ва тўплаган билим ва маълумотларимиз ҳозиргача ҳам бус-бутун тўла эмас, дея таъкидлайди тадқиқотчи. — Ҳатто ҳаётнинг бошқа шакллари мавжуд бўлган тақдирда ҳам бизнинг улар билан алоқа ўрната олишимиз мутлақо шарт эмас. Биз улар қандай шаклга кириши ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасмиз.”

“Ўзга сайёраларда ҳаёт Ердагидай турли ва хилма-хил бўлиши мумкин. Ўзга сайёралардаги онгли мавжудотлар қай қўринишда бўлиши ва улар ўзларини қандай тутишларини биз айта олмаيمиз”, дея қўшимча қилди Дункан Форган.

Даҳолар изидан

ПОРТРЕТ АСЛИГА МОС

Жаҳонга машҳур австриялик бастакор Вольфганг Амадей Моцарт 1791 йили вафот этган бўлиб, Венадаги қабристонда умумий қабрга қўйилганди. Гурков нимадир бўлиб, мурдани таниб қолиб, кейинчалик бастакор калла суягини қабрдан олиб чиққан, деган зиддиятли хабарлар юради. Кейин Моцарт ватани Зальцбургда кўноқ топиб, буюк бастакор музейнинг ассосий табаррук ёдгорлигига айлангунича машҳур калла суяги шаҳарлар бўйлаб “адашиб-улоқиб” юрган.

Мазкур калла суяги бўйича экспертлар баста-

кор “портрети”ни тиклашди ва унинг мавжуд қиёфа тасвирига ҳақиқатан мос келишини аниқлашди. Думалоқ юз, сал чўзиқ бурун ва улкан юқори жағ — буларнинг ҳаммаси тавсифларга мос тўшарди. Калла суяги аниқ 25 билан 40 ёшлар ўртасидаги жуссаси кичик, жисмоний нимжон одамга тегишли экани нақ кўриниб турарди. Бирок, шунга қарамай, унинг атрофидаги бахслар тўхтамасди. Шунинг учун генетик текширувдан ўтказиш зарурати тугилди. Таққослаш учун оилавий қабрини очиб, тўқималар қариндошлардан олинди.

ҚАЛБАКИ СУРАТ

улгурмай, унинг харидорини ҳам топшига улгуради. Ҳаммаси хамирдан қил суғургандай ҳал бўларди-ю, лекин қалбаки коллекциянинг ошкор бўлиши ва бунда ҳам обрў, ҳам пулди айрилиб қолиш хавфи тугилди.

Бонненинг ўзи муғомбир ва ўткир ақлли одам бўлган. У

ҳақиқийлик ва қалбакилик меҳозларини сўз уйини билан чалқаштириб, вазиятдан қутулиб кетади. “Бу Ван Гогнинг Ван Гогими ёки сенинг Ван Гогинми?” деб берилган саволга Бонне қилиб туриб: “Менинг Ван Гогиним Ван Гог Ван Гогдан қаери кам?” дея, саволга савол билан жавоб беради.

БИР ЧИМДИМ КУЛГИ

— Хотинингизнинг учраган нарсаларни сотиб олавериш одатини барҳам топтиришнинг оппа-осон йўли бор.
— У нима экан?
— Ҳар бир сотиб олинган нарсани биргалашиб “ювасиз” — вассалом!

— Шу соатни сотиб олинг — у Швейцария соатининг айнан ўзига ўхшатиб ишланган!
— Олсам-олақолай, мана бу сизга ўзбек пулларининг айнан ўзига ўхшатиб ишланган нусхалари.

— Тасаввур қилиб кўрин-а: ҳароратим 39, қаттиқ иситмалаяман, томирларим тортишиб, чангақ бўлиб қолган — хуллас, аҳолим чаток. Эртага эса, Парижга учшим керак.

— Парижга учма, ўз ватанингда бамайлихотир оёгингни узат...

— Бу дориларни умрингизнинг охиригача ичишингиз керак.

— Лекин, доктор, бу ерда: “Икки ойгача ичиш мумкин” деб ёзилган-ку!

— Мен ҳам шуни назарда тутяпман...



Оромгоҳлар кўйида дам олиш нақадар мароқли.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

ДЎСТ ВА ДУШМАН

Бузургмехрдан:

– Нега дўстнинг душманга айланиши осону душманнинг дўст бўлиши кийин? – деб сўрабдилар.

– Иморатни бузиш қуришдан, жомни синдириш пайванд қилишдан, пулни сарфлаш топишдан осонроқ-да, – дебди у.

ХИСЛАТСИЗ ОДАМНИНГ БОРИДАН ЙЎҒИ

Бузургмехрдан сўрадилар:

– Киши учун энг яхши фазилат нима? – Беҳуда сўзлашдан кўра сукут сақлаш, – деб жавоб берди.

– Агар у бўлмаса-чи? – Агар у бўлмаса, киши учун адаб яхшидир!

– Агар у ҳам бўлмаса-чи? – Ёқимли хулқ, одамлар билан очиқ юзли бўлиш, дўсту душман билан мурося қилиш!

– Бу хислатлар ҳам бўлмаса-чи? – У пайтда одамнинг ўлгани яхши! ТАСАЛЛИ

Бузургмехр зиндонда ётганида дўстлари ундан:

– Шундай қора кунга тушганингда ўзингга қандай тасалли бераяпсан? – деб сўрашибди.

– Тўрт ҳикматли сўзни қайта-қайта такрорлаяпман, – дебди у. – Биринчиси: буларнинг ҳаммаси пешонамда бор экан, кўраяпман, демек такдирдан қочиб қутулиб бўлмайди. Иккинчиси: бу кулфат минг оғир бўлса ҳам чидамасдан, сабр қилмасдан илож йўқ. Учунчиси: ҳали бу ҳолва, бундан оғирроқ кунга ҳам тушиш мумкин. Тўртинчиси: эҳтимол бугун-эрта қутуламан, балки аллақачон қутулган ҳамдирману ўзим беҳабардирман.

ЧАРХПАЛАК ДУНЁ

Бузургмехр шундай деган экан:

– Ҳаёт ажайиб нарса-да: ким сени севса, унга нисбатан лоқайдсан, ким сени ёқтирмаса, унга парвона бўлгинг келади.

СЎЗЛАШНИНГ АФЗАЛЛИГИ

Бир куни Бузургмехрдан:

– Сўзлаш яхшими ёки сукутми? – деб сўрадилар. У эса:

– Сўзлаш! – деб жавоб берди. – Нега бўлмаса ўтмиш ҳақимлари доимо аксини айтиб келдилар?

– Сўзлаш афзал деганимнинг маъноси шуки, агар бу восита бўлмаганда эди, сукутдаги бекиёс хислатлар очилмай қоларди!

БЕБАҲО ФАЗИЛАТ

Бузургмехрдан сўрашибди:

– Одамлар назарга илмайдиган бебаҳо фазилат нима? – Камтарлик, – деб жавоб берибди у.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Футбол

ПЕШҚАДАМЛАР ГАЛАБА ҚОЗОНДИ

Мамлакат XVIII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари иштирокида ўтказилган 12-турнинг қолдирилган учрашувларида пешқадам командалар галаба қозонди.

Яқиндагина ўз фаолиятини бошлаган бразилиялик тажрибали мутахассис Луис Фелипе Сколари бош мураббийлигидаги «Бунёдкор» жамоаси Қаршида «Насаф» командасига қарши меҳмонда ўйнаётганлигига қарамай сермазун, комбинацион ўйин намойиш этди. Шуни таъкидлаш жоизки, майдон эгалари ҳам амалдаги чемпион жамоага муносиб қаршилик қилиши, меҳмонлар дарвозаси томон кўп марта хавфли ҳужумлар уюштиришди. Ҳатто «Бунёдкор» дарвозасига Мирзоев аjoyиб гол йўллади. Бироқ, мurosасиз кечган учрашув тошкентликларнинг 2:1 ҳисобидаги галабаси билан яқунланди. Меҳмонлар ҳужумчиси Вильянуэва рақиблари дарвозасини икки марта аниқ нишонга ола билди.

Турнир жадвалида «Бунёдкор» билан изма-из бораётган «Пахтакор» ўз майдонида мамлакатимизнинг етакчи жамоаларидан бири «Машъал»ни йирик 3:0 ҳисобида мағлуб этиб, муҳим очколарга эга бўлди. Шу куни мухлислар З.Тожиев, Гейнрих (2 та)ларнинг чиройли голлари гувоҳи бўлишди.

Наманганда «Нефтчи»ни қабул қилган «Навбахор» жамоаси тенгма-тенг ва мurosасиз кечган беллашувда 1:1 ҳисобидаги дурангни қайд этди.

Энди 12 июлда «Жар» стадионида йиғиладиган мухлислар 11-турнинг «Бунёдкор» — «Пахтакор» жамоалари ўртасидаги учрашувга гувоҳ бўлишади. Ушбу ўйинда галаба қозонган жамоа чемпионлик сари муҳим қадами ташлайди деб айта оламиз.

(Ўз мухбиримиз)

Сергели политехника касб-хунар коллежида тумандаги етти касб-хунар коллежи битирувчилари учун ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркасида кўплаб ёшлар доимий иш жойига эга бўлди. Туман ҳокимлиги ҳамда бандликка кўмаклашиш маркази томонидан ташкил этилган мазкур меҳнат ярмаркасида 56 корхона, ташкилот ва муассаса ўзининг тўққиз юзга яқин бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Туман бандликка кўмаклашиш маркази директори Холида Низомованинг айтишича, жорий йилда меҳнат ярмаркалари ор-

ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Юртимизда аҳолини иш билан таъминлаш, айниқса ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, уларни касб-хунарга йўналтириш доимий эътиборда.

қали мингга яқин киши иш билан таъминланган. Мазкур ярмаркада ҳам ўнлаб йигит-қиз ишлаш учун йўлланма олди.

– Таклиф этилган иш ўринларини кузатиб, ўз қизиқишим ва касбим бўйича ишлаш учун йўлланма олдим, – дейди Якка-

сарой тижорат касб-хунар коллежи битирувчиси Севара Қўшмирзаева. – Халқ банкининг туманимиздаги филиалида меҳнат қилиш имкониятини кўлга киритганимдан жуда хурсандман.

Гўзал САТТОРОВА,
ЎзА мухбири

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2009 йил 28 июл куни соат 11:00да такроран бўлиб ўтадиган аукцион савдосига, Тошкент шаҳар Яққасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 18.12.2006 йилдаги 10-0610/13548-сон, 25.07.2007 йилдаги 10-0718/6855-сон, 10.11.2007 йилдаги 10-0705/11834-сон, 10.11.2007 йилдаги 10-0705/11835-сон, 12.02.2008 йилдаги 10-0718/15363-сон, 26.08.2008 йилдаги 10-0804/8759-сон, 25.11.2008 йилдаги 10-0804/13223-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Яққасарой тумани Хўштепа кўчаси, 6-уй манзилида жойлашган, «Республика қишлоқ хўжалиги ва эҳтиёт қисмлари базаси»га тегишли, умумий майдони 5588 кв.м. бўлган, 7 та иншоот, 5 та шийпон, 1 та ховуз ва 1 та отстойникдан иборат бино-иншоотлар кўйилмоқда. Бошлангич баҳоси – 176 418 000 сўм.

Савдога кўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАЙКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги кўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!!!


“Тошшаҳартрансхизмат” уюшмасининг
“Тошавтобустрас” ва “Тошэлектротранс” компаниялари
ҳайдовчи ва чиптачи лавозимларига ишга таклиф қилади.

Ўртача ойлик иш ҳақи:

автобус ҳайдовчиси - 250-350 минг сўм;
трамвай ҳайдовчиси - 250-300 минг сўм;
троллейбус ҳайдовчиси - 200-250 минг сўм;
чиптачи - 140-180 минг сўм.



Маълумот учун телефонлар: “Тошавтобустрас” Акциядорлик компанияси: 233-59-38
“Тошэлектротранс” Давлат компанияси: 244-24-75



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2857 нусхада босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
156 89